



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-538

« ___ » _____ 20__ г

**Шўрчи тумани “Ялти” маҳалласи ҳудудидан
“SHO’RCHI OLATEMIR KELAJAGI” МЧЖга
паррандачилик комплекси қурилиши учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/624-сон йиғилиш баёни ва Шўрчи туман ҳокимининг 2020 йил 07 августдаги 606/01-12-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/624-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шўрчи тумани “Ялти” маҳалласи ҳудудидан “SHO’RCHI OLATEMIR KELAJAGI” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 216к-дала контуридаги 0,50 гектар яйлов ер майдони паррандачилик комплекси қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SHO’RCHI OLATEMIR KELAJAGI” МЧЖ паррандачилик комплекси қурилиши мақсадида ажратилаётган 0,50 гектар лалми ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 7 181 090 (етти миллион бир юз саксон бир минг тўқсон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва

Шўрчи тумани ҳокимлиги (Б.Худойбергенов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов